


# Халқ сўзи

Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • WWW.XS.UZ • E-mail: Info@xs.uz • 2019 йил 18 май, № 102 (7332) Шанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.


# ҲУДУДЛАРДА ИСЛОҲОТЛАРНИ БИР ХИЛ СУРЪАТДА АМАЛГА ОШИРИШ, ОДАМЛАР УЧУН МУНОСИБ ТУРМУШ ШАРОИТИ ЯРАТИШ — АСОСИЙ МАҚСАДИМИЗ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари ва аввал берилган топшириқлар ижроси билан танишиш мақсадида 16-17 май кунлари Андижон вилоятида бўлди.



Андижон вилояти ҳокимлигида Президент раислигида фаоллар йиғилиши бўлиб ўтди.

Мамлакатимизнинг барча ҳудуди каби Андижон вилоятида ҳам катта ўзгаришлар юз бермоқда. Хусусан, ўтган йили ялпи ҳудудий маҳсулот 12 фоиз, жалб этилган инвестициялар ҳажми 19 фоиз ўсган. Жорий йил биринчи чоракда ҳам юқори суръат кузатилди.

Шунга қарамай, ҳали вилоятда ишга солинмаган имкониятлар кўплиги, иқтисодиёт замон талаблари асосида диверсификация қилинмагани таъкидланди. Жумладан, саноат маҳсулотининг 80 фоизи Асака тумани ва Андижон шаҳрига тўғри келади. Бошқа туманларда саноат деярли ривожланмаган.

Шуни инобатга олган ҳолда, Андижон вилоятида 2019-2020 йилларда амалга ошириладиган қиймати 25 триллион 181 миллиард сўмга тенг 908 лойиҳадан иборат инвестиция дастури ишлаб чиқилди. Ушбу лойиҳалар доирасида 1,7 миллиард долларлик тўғридан-тўғри хорижий сармояни ўзлаштириш, 35 мингдан зиёд иш ўринлари яратиш кўзда тутилмоқда.

Бундан ташқари, тадбиркорлик фаолиятини бошлаш истаги бўлган оилаларни аниқлаб, "Ҳар бир оила — тадбиркор" дастури доирасида 420 миллиард сўмлик имтиёзли кредит ажратиш белгиланди.

Йиғилишда ижтимоий соҳани ривожлантириш масаласига ҳам алоҳида эътибор қаратилди. Жорий йилда Андижон шаҳрида 14 та кўп қаватли арзон уй ва кўплаб тижорий асосдаги уйлар, қишлоқ жойларда 224 та намунали уй-жой ва 56 та кўп қаватли арзон тураржой қурилиши маълум қилинди.

Президентимиз вилоят аҳолиси ўсиб бораётгани яна кўплаб уйлар қуриш ва қўшимча иш ўринлари очиш, ижтимоий ва коммунал хизматлар ташкил этишни талаб қилишини, демак, тегишли вазирликлар ва вилоят раҳбарлари узоқни кўзлаб иш юритиши зарурлигини таъкидлади.

Қанчалик оғир бўлмасин, ислоҳотларни барча жойда бир хил олиб бориш қийин. Чекка жойларни қўйиб туринг, ҳатто вилоят марказларида ҳам ҳанузгача шўро даври манзарасини берадиган маҳаллалар, кўчалар учрайди.

Андижон шаҳрининг Мустақиллик маҳалласини ҳам ўз номига монанд, деб бўлмайди. Бу ерда ачинарли аҳволда яшаётган оилалар учун Хўжаобод туманидаги Хидирша массивидан 54 гектар ер ажратилиб, Мустақилликнинг 27 йиллиги маҳалласи барпо этилаётгани ҳақида хабар берилган эди.

Давлатимиз раҳбари 16 май куни янги маҳаллада бўлиб, бу ерга кўчиб келаётган оилалар учун яратилган шароит билан танишган, бунёдкорлик ишлари кўламини кенгайтириш бўйича топшириқлар берган эди.

Шавкат Мирзиёев 17 май куни Андижон шаҳрининг Мустақиллик маҳалласига бориб, бу ердаги ҳақиқий аҳвол билан танишди.

5 минг 600 нафардан зиёд аҳоли яшайдиган бу маҳалла ҳеч қандай шароит йўқлиги боис, шаҳарнинг оғриқли нуқталаридан бирига айланиб қолган эди. Кўчаларга машина сиғмайди, қаерга қараманг, торлик, пасқамлик, захлик, қўланса ҳидга чидаб бўлмайди. Қачондир муқаррар кўчиш кайфиятидаги одамлар ҳатто девор, дарвоза, эшикромларни бўяшга ҳафсала қилмайди, ўт-ўлан қовжираган ҳовлисига қарамайди.

Президентимиз эски барак шаклидаги ҳовлиларда яшаётган одамлар билан суҳбатлашди.

Бундай шароитда кун кечиришнинг ўзи бўлмайди. Айниқса, болалар шу шароитда яшаб келаётгани аянчлидир. Андижонда ер масаласи жуда оғир. Бу ерга келишимиздан мақсад одамлар турмуши билан танишиш, ҳамма оилалар учун яхши шароит яратиб бериш, деди Шавкат Мирзиёев.

Маҳалла вакиллари баҳаво адирликдан жой ажратилиб, барча шароити мавжуд уй-жойлар қурилаётгани ва оилалар кўчирилаётганидан жуда мамнун эканини алоҳида таъкидлади.

Аввал маълум қилинганидек, Мустақиллик маҳалласи ўрнида, Бобуршоҳ, Амир Темур ва Навоий шоҳкўчаларининг кесишмасида "Andijon city" ишбилармонлик маркази барпо этилади.

Президентимиз бу қурилишда ҳар бир қарич ердан оқилона фойдаланиш, кўкаламзорлаштиришга алоҳида эътибор бериш зарурлигини таъкидлади.

Худди "Toshkent city"даги сингари бу ерда ҳам уйлар ва офислар савдоси билан шуғулланувчи кўргазма ташкил этиш зарур. Одамлар келиб кўрсин, шунда қизиқиши ортади. Бу шаҳарча яна икки йилдан сўнг Андижоннинг кўз-кўз қиладиган жойи бўлади, деди давлатимиз раҳбари.

Мамлакатимизда таунхаус услубидаги массивлар қурилиши лойиҳалари ишлаб чиқилган. Президент таклифи билан Андижон вилоятида аҳоли яшаш шароитини яхшилаш энг долзарб масалалардан бўлгани боис, биринчи бўлиб шу ҳудудда бундай уйларни қуришни бошлаш режалаштирилмоқда.

"Qorako'l stroy engineering" масъулияти чекланган жамияти ишлаб чиққан лойиҳага кўра, 7,5 гектар ерда 108 та таунхаус услубидаги уй, 9 та 5 хонали ва яна шунча 3 хонали коттежлар, болалар боғчаси, савдо ва маиший хизмат шохобчалари қурилади.

Энг муҳими, ушбу массив ўзининг сувни тозалаш, канализация иншооти, сув иситиш станцияси, кичик электр станцияси, қуёш электр станцияларига эга бўлади. Яъни таунхаус уйлари ўзини ўзи тоза ичимлик суви, электр, иссиқлик билан таъминлайди. Уларни қуришда энергия тежамкор материаллардан фойдаланилади.

Тақдимот чоғида таунхаус уйлари аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш ва ресурсларни тежашда муҳим ўрин тутиши таъкидланди.

Бу уйлар — келажак уйлари. Қишлоқ уйлари қаерда қурилишидан қатъи назар, энди камчиқим бўлади, ҳам одамларга шаҳардагидай шароит яратилади. Шунинг ҳисобига бу уйлар нархи ҳозиргилари билан тенг, аммо комплекс шароитга эга бўлади, деди Президент.

Шавкат Мирзиёев Ўзбекистон халқ шоири Муҳаммад Юсуф хиёбони ва ижод мактабида бўлди.

Муҳаммад Юсуф халқнинг дарди, қалбидаги қувончу шодликлар, она юртга муҳаббат, садоқат ва фидойилик туйғуларини содда ҳамда гўзал мисралар орқали тараннум этган ўзига хос ижодкор эди. Унинг асарлари минглаб қалбларга бахт ва қувонч туйғуси, самимият ва беғуборлик, маънавий гўзаллик улашаётир. Шоир ижодини ўрганиш, кенг тарғиб этишга алоҳида эътибор қаратиляпти.

Давлатимиз раҳбари 2017 йил 2-3 июнь кунлари Андижон вилоятига ташрифи чоғида Ўзбекистон халқ шоири Муҳаммад Юсуф номидаги мактаб ташкил этиш, ёшларга унинг ижодини, ўзбек адабиётининг янги қирраларини чуқур ўргатиш, истеъдодли ижодкорларни тарбиялаш таклифини илгари сурган эди. Шу асосда 2017 йил 25 июлда Вазирлар Маҳкамасининг "Андижон шаҳрида Муҳаммад Юсуф номидаги она тили ва адабиёти фанини чуқурлаштириб ўқитишга ихтисослаштирилган мактаб ва Муҳаммад Юсуфнинг бюсти ўрнатилган хиёбонни ташкил этиш тўғрисида"ги қарори қабул қилинди.

Андижон шаҳрининг Амир Темур кўчасида шоир номидаги она тили ва адабиёти фанини чуқурлаштириб ўқитишга ихтисослаштирилган мактаб-интернат ва шоирнинг бюсти ўрнатилган хиёбон барпо этилди. Бугун мазкур мактабда 250 нафар иқтидорли йигит-қиз таълим олмоқда.

Ўзбекистон Бадиий академияси аъзоси, ҳайкалтарош Шоҳруҳбек Ўрозов томонидан яратилган бюст ва икки фаввора, манзарали гул ҳамда дарахт кўчатлари ўтқазилган хиёбон Андижон шаҳрининг кўркига кўрк қўшиб, ёш ижодкорлар тўпланадиган адабий-бадиий масканларидан бирига айланган.

Президент мактаб-интернат ўқитувчи ва ўқувчилари билан мулоқот қилди. Муҳаммад Юсуфнинг ижодий фаолияти, мактабда ўқиган кезлари фойдаланган ўқув қуроллари, суратлар жой олган музейда бўлди. Ўқувчилар шоир шеърлари ва ўз ижод намуналаридан ўқиб берди.

Муҳаммад Юсуф халқчил шоир эди. У қисқа умри давомида катта маънавий мерос қолдириб кетди. Ватан ҳақида содда тил билан ёзган самимий шеърлари доимо қалбимизда сақланиб қолади. Энг катта бойлик, бу — маънавий бойликдир. Шунинг учун ёшларимиз доимо ўқиши, изланиши лозим. Ҳамма нарса ўткинчи. Лекин билим ҳеч қачон йўқолмайди. Билимли одам ҳеч қачон хор бўлмайди. Шунинг учун сизлар ўқиш, изланишдан тўхтамаслигингиз керак, деди Шавкат Мирзиёев.

Давлатимиз раҳбари мутасаддиларга мактаб-интернат ўқувчилари учун автобус ажратиш, бошқа вилоятлардаги ижод мактабларига бориб, тенгдошлари билан мулоқот қилишига кўмаклашиш, вилоят телевидениесида ўқувчилар иштирокида кўрсатувлар тайёрлаш бўйича топшириқлар берди.

Шу билан Президентимизнинг Андижон вилоятига ташрифи якунига етди.

**ЎзА.**

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Матбуот хизмати суратлари.**

# ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ ХВЖ БОШҚАРУВЧИ ДИРЕКТОРИНИ ҚАБУЛ ҚИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 17 май куни расмий ташриф билан мамлакатимизда бўлиб турган Халқаро валюта жамғармаси бошқарувчи директори Кристин Лагардни қабул қилди.

Давлатимиз раҳбари олий мартабали меҳмонни самимий қутлар экан, Ўзбекистон ва Халқаро валюта жамғармаси ўртасидаги амалий мулоқот ва ўзаро манфаатли ҳамкорлик изчил ривожланиб бораётганини чуқур мамнуният билан қайд этди.

2017 йилнинг сентябрида Нью-Йорк шаҳрида ва жорий йил апрель ойида Пекин шаҳрида ўтган икки томонлама музокаралар самарали ҳамкорликни йўлга қўйиш ва янада кенгайтиришга хизмат қилгани таъкидланди.

Бугунги кунда жамғарма мамлакатимизда илғор халқаро тажриба ва билимлар асосида кенг миқёсли ислоҳот ва янгиланишлар режасини ишлаб чиқиш ва амалга оширишда муҳим шериклардан бири экани алоҳида қайд этилди.

Кейинги икки йилда жамғармадан жалб этилган техник кўмак ҳажми сезиларли даражада ортди: мамлакатимизга ХВЖнинг 14 миссияси ташриф буюрди, солиқ ва молия соҳалари бўйича етакчи халқаро консультант ва экспертлар жалб этилди.

Жамғарма кўмагида Ўзбекистон ХВЖ статистика маълумотлари тарқатишнинг умумий тизимига қўшилди, Марказий банк ва валютани тартибга солиш тўғрисидаги қонунларнинг янги таҳрири лойиҳаси ишлаб чиқилди, янги Солиқ сиёсати ва маъмуриятчилиги концепцияси ва бошқалар жорий этилди.

Учрашувда Ўзбекистон ва Халқаро валюта жамғармасининг ҳамкорлиги истиқболлари батафсил муҳокама қилинди ва бу борадаги устувор йўналишлар белгилаб олинди.

Пул-кредит ва солиқ-бюджет сиёсатини такомиллаштириш, монетар сиёсатнинг самарали воситаларини жорий этиш, мамлакатимизда ишбилармонлик ва инвестиция муҳитини яхшилаш ҳамда бошқа йўналишларда фаол ҳамкорликни давом эттиришга алоҳида эътибор қаратилди.

Ўз навбатида, ХВЖ бошқарувчи директори Ўзбекистонга ташриф билан келиш таклифи ҳамда самимий қабул учун Президентимизга миннатдорлик билдирди. Кристин Лагард жамғарма мамлакатимизда барча тармоқ ва йўналишларни қамраб олган ҳолда фаол амалга оширилаётган ислоҳотларни юксак баҳолашини алоҳида таъкидлади.

Ўзбекистоннинг Марказий Осиёда яхши қўшничиликни мустаҳкамлаш ва ўзаро ишончни ошириш, минтақавий савдо-иқтисодий ва гуманитар ҳамкорликни кенгайтириш борасидаги саъй-ҳаракатлари алоҳида қайд этилди.

Учрашув якунида Кристин Лагард Халқаро валюта жамғармаси мамлакатимизда самарали ислоҳотларни амалга ошириш ва иқтисодиётнинг барқарор ривожланишини таъминлашга ҳар томонлама кўмаклашишни давом эттиришга тайёр эканини тасдиқлади.

**ЎзА.**

## Кристин ЛАГАРД:

# ХАЛҚАРО ВАЛЮТА ЖАМҒАРМАСИ ЎЗБЕКИСТОНДАГИ ИСЛОҲОТЛАРНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШГА ТАЙЁР

Халқаро валюта жамғармаси бошқарувчи директори Кристин Лагард давлатимиз раҳбари билан учрашувдан сўнг ЎзА мухбирига интервью берди.

— Президент Шавкат Мирзиёев билан суҳбатимиз мамлакатингизда амалга оширилаётган улкан ўзгаришлар, аҳолини иш билан таъминлаш борасидаги ташаббуслар, инвестиция жалб қилиш учун яратилган имкониятлар хусусида бўлди.

Қайд этиш жоиз, сўнгги йилларда Ўзбекистонда барча соҳада қатор ижобий ўзгаришлар, самарали ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Бу, аввало, одамлар учун муносиб турмуш шароити яратишга, тадбиркорлик фаолиятини рағбатлантиришга қаратилган саъй-ҳаракатларда намоён бўлмоқда.

→ 2

# ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚОЗОҒИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ БИЛАН ТЕЛЕФОН ОРҚАЛИ МУЛОҚОТИ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 17 май куни Қозоғистон Республикаси Президенти Қосим-Жомарт Тоқаев билан телефон орқали мулоқот қилди.

Суҳбат аввалида давлатимиз раҳбари Қозоғистон Президентини таваллуд куни билан самимий қутлаб, мустаҳкам соғлиқ ва давлат хизматидаги фаолиятида улкан муваффақиятлар тилади.

Олий даражадаги мунтазам ва самарали мулоқотлар Ўзбекистон билан Қозоғистон ўртасидаги дўстлик, яхши қўшничилик ва стратегик шериклик муносабатларининг жадал ривожланиши ва изчил мустаҳкамланиб боришига хизмат қилаётгани чуқур мамнуният билан қайд этилди.

Қосим-Жомарт Тоқаевнинг жорий йил апрель ойидаги Ўзбекистонга илк давлат ташрифи савдо-иқтисодий, инвестиция ва транспорт-коммуникация соҳаларидаги амалий ҳамкорлик, шунингдек, маданий-гуманитар алоқаларни кенгайтириш учун кенг имкониятлар очгани алоҳида таъкидланди.

Президентлар минтақавий ва халқаро аҳамиятга молик долзарб масалалар юзасидан ҳам фикр алмашдилар.

Суҳбат сўнгида давлатимиз раҳбари Қосим-Жомарт Тоқаевга жорий йил 9 июнда бўладиган Қозоғистон Президенти сайлови муваффақиятли ўтишини тилади.

**ЎзА.**




## Ўзбекистон Республикаси кончилик ва металлургия саноати ходимлари куни олдидан

## Олмалиқ КМК:

# Ҳар доим ва ҳар жабҳада намуна

*Мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий тараққиётида кон-металлургия саноатининг ўрни ниҳоятда катта. Ана шу муҳим жиҳат инобатга олинган ҳолда, май ойининг учинчи якшанбаси "Ўзбекистон Республикаси кончилик ва металлургия саноати ходимлари куни" этиб белгиланган. Юксак меҳнат зафарлари билан ўз касб байрамини нишонлаётган соҳа фидойилари орасида "Олмалиқ кон-металлургия комбинати" акциядорлик жамиятининг кўп минг сонли жамоаси ҳам бор.*

Давлатимиз раҳбари томонидан юритилаётган кучли ижтимоий-иқтисодий сиёсат, амалга оширилаётган кенг қамровли ислоҳотлар туфайли комбинат томонидан рангли ва қимматбаҳо металлар ишлаб чиқариш ҳажми йилдан-йилга ортмоқда.

Ҳеч шубҳасиз, 70 йиллик тарихга эга комбинат бугун ривожланишнинг янги босқичида турибди.

Давлат-хусусий шериклиги дастури доирасида ўтган йили ҳукумат қарорига мувофиқ, "Олмалиқ кон-металлургия комбинати" АЖ давлат улуши "SFI Managament Group" чет эл компаниясига ишончли бошқарувга берилди. Янги раҳбарият томонидан, аввало, комбинатнинг самарали ва тўлиқ қувват билан ишлашига тўсқинлик қилаётган камчиликлар аниқланиб, уларни ҳал этиш учун юртимиз ва хорижнинг энг малакали мутахассислари жалб қилинди. 2019 — 2022 йилларда Олмалиқ кон-металлургия комбинати акциядорлик жамияти асосий ишлаб чиқариш қувватларини реконструкция қилиш ва барқарорлаштириш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар дастури ишлаб чиқилиб, Президент қарори билан тасдиқланди.

→ 4

Кристин ЛАГАРД:

# ХАЛҚАРО ВАЛЮТА ЖАМҒАРМАСИ ЎЗБЕКИСТОНДАГИ ИСЛОҲОТЛАРНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШГА ТАЙЁР

1

Шунинг баробарида, ёш авлодга эътибор қаратилиб, таълим тизимида илғор тажрибалар жорий этилмоқда. Бу келажак учун киритилган муҳим инвестициядир.

Ўзбекистонда олиб борилаётган бу каби янгиланишлар бевосита Президент Шавкат Мирзиёев номи билан боғлиқ.

Ўзбекистон бугун ривожланишнинг янги босқичида одимламоқда. Иқтисодиёт либераллаштирилиб, Марказий Осиё минтақаси мамлакатлари билан яқин ҳамкорлик алоқалари тобора фаоллашиб бораётир. Шу билан бирга, жадал ўзгаришларни, хусусан, инвестицион муҳитни янада яхшилаш, солиқ ислоҳотлари, қишлоқ хўжалигини модернизациялаш бўйича кўрилаётган чора-тадбирларни давом эттириш даркор.

Кўнгли очиқ, меҳнаткаш ва меҳмондўст халқингиз ҳам ушбу ўзгаришларга хайрихоҳ, эртанги кунига ишонч билан қарамоқда. Ана шундай орзу-интилишларни рўёбга чиқаришда Халқаро валюта жамғармаси Ўзбекистонни қўллаб-қувватлашга, амалий кўмак кўрсатишга тайёр.

**ЎзА мухбири Улуғбек ШОНАЗАРОВ ёзиб олди.**

БИЗ ва ЖАҲОН

# ЎЗБЕКИСТОН — «France 24» ва «France 2» нигоҳида

Юртимизда туризм соҳасини изчил ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ўзбекистондаги жараёнларни катта қизиқиш ва иштиёқ билан кузатиб бораётган хорижлик журналистлар ҳам буни эътироф этаётир.



Яқинда Франциянинг нуфузли **“France 24”** ва **“France 2”** телеканаллари ўзаро ҳамкорликда Ўзбекистонга бағишланган махсус кўрсатув тайёрлади. Ҳар икки телеканалда намойиш этилган мазкур дастур француз жамоатчилигида катта қизиқиш уйғотди.

“Бу ўлка Марказий Осиёнинг асл юрагидир. Унинг қадимий шаҳарлари асрлар мобайнида Шарқ ва Ғарб маданияти ўртасидаги чорраҳа бўлиб келган, — дея ҳикоя қилади франциялик журналистлар. — Биргина Самарқанднинг ўзи неча юз йиллар давомида қиёфасини сақлаб, янада гўзаллашиб борган. Бу сеҳрли шаҳарнинг масжиду миноралари, қадимий кўчалари ҳар қандай сайёҳ учун гўзал манзилдир”.

Қайд этилишича, Ўзбекистон бугун “ёпиқликдан очиқликка”, “пассив сиёсатдан фаол стратегияга” ўтиб бормоқда. Президент Шавкат Мирзиёев туфайли давлатнинг ички ва ташқи сиёсатида жиддий ўзгаришлар юз берди. Жумладан, кўплаб хориж давлатлари фуқаролари учун виза тартибининг бекор қилиниши “ниҳоятда муҳим ва узоқни кўзлаб қабул қилинган қарор” сифатида баҳоланади.

“2018 йилнинг ўзида мамлакатга сайёҳлар оқими икки баробар ортди, — дейилади кўрсатувда. — Яқин беш йилда ушбу кўрсаткич беш маротабага ошиши кутилаётир. Европа мамлакатлари орасида Германия, Италия ҳамда Франция Ўзбекистонга келувчи сайёҳлар сони бўйича етакчи ўринларни эгаллайди”.



Телеканал мухбирлари юртимизда бўлган кўплаб сайёҳлар билан суҳбатлар асосида “хорижлик меҳмонларда Ўзбекистон фантастик ва сеҳрли ўлка” сифатида таассурот қолдирганини таъкидлайди. Чет элликларни, айниқса, валюта соҳасининг эркинлашуви, туризм инфратузилмаси ҳамда хизматларининг яхшиланиши, илгари мавжуд бўлган кўплаб тақиқларнинг бекор қилиниши алоҳида қувонтирмоқда.

“France 24” ва “France 2” каналлари шарҳловчиларининг фикрича, Бухорода ўзбек халқига хос меҳмондўстлик анъаналари яққол намоён бўлади. “Ўзбекистонда сайёҳларнинг яшаши ва ҳордиқ чиқариши учун барча шарт-шароит яратилмоқда. Қадим Бухоро бўйлаб сайр қилар экансиз, бу ўлканинг нақадар буюк ва бетакрорлигига яна бир бор ишонч ҳосил қиласиз. Мамлакатда хорижлик меҳмонлар учун ҳамма имконият мужассам ва Бухоро ушбу янгиланиш жараёнларининг ёрқин намунасидир. Ўн йиллар мобайнида қаровсиз ётган ёки қурилмаган иншоотлар қисқа муддатда тикланиб, кўкка бўй чўзаётир”, дейилади репортажда.

**Анвар МИРЗАЕВ («Халқ сўзи») тайёрлади.**



Парламентдаги мухбиримиз хабар қилади

# Меморандум тиббиётда инновацияни ривожлантиришни кўзда тутади

*Инновацион ривожланиш, ахборот сиёсати ва ахборот технологиялари масалалари қўмитаси томонидан “Қонунчиликка соғлиқни сақлаш тизимига инновацион технологиялар жорий қилинишини рағбатлантиришга қаратилган қоидаларни киритиш” мавзуида давра суҳбати ўтказилди.*

Бугунги кунда юртимизда соғлиқни сақлашни бошқаришнинг ягона тизимини яратиш, соҳада хусусий секторни ривожлантириш, аҳолига кўрсатиладиган тиббий хизмат сифатини ошириш борасида кенг кўламли чора-тадбирлар амалга ошириляпти.

Шунга қарамай, сифатли тиббий хизмат кўрсатишда самарали ахборот-коммуникация технологиялари ва замонавий инновацион механизмлар лозим даражада қўлланилмасдан келиниётгани ҳам бор гап. Бу масалалар республикамизнинг узоқ ва чекка ҳудудларида аҳоли вакиллари билан ўтказилган мулоқотларда ўз аксини топмоқда.

Тиббиётда ўз ечимини кутаётган долзарб масалалардан яна бири соҳага телемедицина институтини жорий этиш, унинг ҳуқуқий асоси ҳисобланган Ўзбекистон Республикасининг “Телемедицина тўғрисида”ги қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш саналади. Шунингдек, аҳолига, айниқса, узоқ қишлоқлардаги фуқароларга бу борада қулай шароитлар яратишни кўзда тутувчи “электрон поликлиника” тизимини кенг жорий қилиш талаб этилмоқда.

Иштирокчилар томонидан соғлиқни сақлаш тизимига замонавий инновацион технологияларни кенг жорий қилишга қаратилган норматив-ҳуқуқий базани такомиллаштириш бўйича бир қатор таклиф ва тавсиялар билдирилди.

Тадбир доирасида Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ҳамда Инновацион соғлиқни сақлаш миллий палатаси ўртасида ҳамкорлик меморандуми имзоланди. Мазкур ҳужжат соғлиқни сақлаш тизимига инновацион услуб ва технологияларни фаол жорий этиш йўли билан томонларнинг ташкилий-ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлашга хизмат қилади.

**Мунисхон КАРИМОВА.**

# Тест синовларида адолат мезони янада кучаяди

*Фарзандининг олий ўқув юртида ўқиб, яхши касб эгаси бўлишини орзу қилмайдиган одам йўқ. Илмга чанқоқ, маърифатпарвар халқимиз учун эса, бу нафақат орзу балки мудом интилиб келинадиган маёқ ҳамдир.*

Депутат фикри



Буни йил сайин олий ўқув юртларига кириш имтиҳонларига ҳужжат топширадиган абитуриентлар сони ортиб бораётгани, танловлар савияси юқори бўлиб, балларнинг ошиб кетаётганида ҳам кўряпмиз. Ҳатто, бир ўринга 20 — 45 нафаргача даъвогар курашган йиллар ҳам кўп. Аммо, минг афсуски, улардан атиги бир нафари талабаликка қабул қилинарди, холос. Қолганларининг ота-онаси орзулари армонга айланиб, ёшларнинг эса умидлари сўниб қоларди. Чунки йиллар давомида олий таълим муассасаларига қамраб олиш 9-10 фоиздан ошмаган. Ёшларнинг жуда камчилигини ташкил этган бу кўрсаткич ҳар бир зиёли инсоннинг мамлакат келажаги ҳақида қайғуришига асос бўлса-да, бу рақамларни оширишнинг имкони йўқлигини англаб етиш қийин эмас.

Қарангки, мамлакатимиз тараққиётининг янги босқичида давлатимиз раҳбари ташаббуси — Ҳаракатлар стратегиясида таълим тизимини тубдан ислоҳ қилиш, олий маълумотли мутахассислар тайёрлаш сифатини ошириш орқали соҳанинг том маънода, рақобатдошлигини таъминлаш, олий таълим муассасаларига қабулнинг янги шаклларини амалиётга жорий этиш устувор вазифа сифатида белгиланди.

Ўтган қисқа даврда Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Вазирлар Маҳкамасининг бевосита олий таълим тизимига дахлдор қатор Фармон, қарор ва фармойишлари қабул қилиниши ислоҳотларни янада жадаллаштиришга ёрдам бермоқда. Ўтган йили олий ўқув юртига ёшларни қамраб олиш даражаси 15 фоизга етгани ҳам ана шундай кўламдор ислоҳотлар самараси бўлди.

Шу ўринда бир мулоҳаза.

**2019/2020** ўқув йилидан бошлаб абитуриентлар ўқишга кириш учун ўзи яшаб турган ҳудуддаги давлат хизматлари марказлари ёки Ўзбекистон Республикаси Ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали мурожаат қилади. Уларга бир вақтнинг ўзида учтагача бакалавриат таълим йўналишида танловда иштирок этиш ҳуқуқи берилади.

Ўтган вақт мобайнида ўқишга қабул қилишнинг тест синовларига асосланган тизими амалиётда ижодкорлик, маҳорат талаб этадиган маданият, санъат, мусиқа, спорт ва жисмоний тарбия каби соҳаларда иқтидорли ёшларни аниқлаш имконини бермади. Аксинча, абитуриентларнинг саводхонлик даражаси ҳам пасайиб кетгани кузатилди. Жамият учун ўткир муаммони келтириб чиқариши мумкин бўлган ушбу масала моҳияти ўз вақтида илғанди ва 2017 йилда қабул қилинган махсус қарор билан алоҳида иқтидор талаб этиладиган бакалавриат таълим йўналишларига кириш тест синовларисиз, касбий (ижодий) имтиҳонлар орқали қабул қилиниши йўлга қўйилиб, иқтидорли ёшларнинг таълим олиши учун катта имконият яратилди.

Давлатимиз раҳбарининг шу йил 14 майдаги “Олий таълим муассасаларига тест синовлари орқали қабул қилиш тизимини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори эса навқирон авлодни олий таълим тизимига янада кенгроқ қамраб олиш, халқимизни зиёли қилиш борасидаги яна бир улкан қадамга асос бўлди.

Ушбу ҳужжатга биноан, эндиликда олий таълим муассасаларига ўқишга киришда жиддий ижобий ўзгаришлар бўлади, тизимда адолат қарор топади. Яъни 2019/2020 ўқув йилидан бошлаб абитуриентлар ўқишга кириш учун ўзи яшаб турган ҳудуддаги давлат хизматлари марказлари ёки Ўзбекистон Республикаси Ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали мурожаат қилади. Уларга бир вақтнинг ўзида учтагача бакалавриат таълим йўналишида танловда иштирок этиш ҳуқуқи берилади. Бу эса олий таълим муассасаларига кириш имтиҳонлари ҳар қандай шубҳа ва гумонлардан холи, адолат мезонларига таянган ҳолда, шаффоф ва очиқликда ўтишини таъминлайди.

Шунингдек, қарор билан Давлат тест маркази ҳузурида Давлат тест маркази фаолиятини ривожлантириш жамғармасининг ташкил этилиши ва жамғарма маблағлари марказ ходимларини хорижий давлатлар илмий-тадқиқот, таълим муассасаларида ўқитиш, малакасини ошириш ва стажировка ўташи учун йўналтирилади. Илмий даражали ходимларга 30 — 35 фоиз миқдорда устамалар тўлаб берилиши ёки лавозим маошининг 200 фоизигача бўлган миқдорда ойлик устамалар берилиши, рағбатлантириб борилиши, айниқса, хорижлик экспертлар ва чет элда истиқомат қилаётган ватандошларимизни Давлат тест марказига ишлаш учун жалб қилишга сарфланиши марказ фаолиятини, тест саволлари ҳамда тест синовлари жараёнларининг йилдан-йилга илмий-услубий жиҳатдан такомиллашиб боришига хизмат қилади.

Албатта, мазкур қарорнинг тўлақонли ижросини таъминлашда парламент олдида ҳам масъулиятли вазифалар турибди. Аввало, ушбу ҳужжатнинг мазмун-моҳиятини сайловчиларга — халқимизга чуқурроқ етказиш, давлатимиз раҳбарининг ёшларнинг олий ўқув юртларида таҳсил олиши учун кенг имкониятлар яратиб бераётганини тушунтиришимиз лозим. Энг асосийси, тест синовларининг адолатли ўтиши устидан парламент назоратини амалга оширишимиз керак ва бу юртимизнинг эртанги тараққиёти, халқимизнинг фаровонлиги учун жуда муҳимдир.

**Одинахон ЖАМОЛДИНОВА, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутати.**

# Етти номзод орасидан энг муносиби танланди

*Наманган туманидаги “Тўсар” маҳалла фуқаролар йиғини раислиги учун бўлиб ўтган сайловда 7 нафар номзод кураш олиб борди. Бу ерда чинакам рақобат кузатилди.*

Демократия кўзгуси

Номзодлар учун тенг шароит ва имконият яратиб берилди. Яъни ҳар бир номзод 336 нафар вакил олдида ўз дастурлари билан чиқиш қилди. Етти хил ғоя, етти хил фикр бирваракайига ўртага ташлангач, у ҳар қандай сайловчини қарор қабул қилишда ўйлантириб қўйиши турган гап.

— Бугунги сайловда вакиллар ҳам, номзодлар ҳам, шуларга мос ҳолда маҳалламиз истиқболи билан боғлиқ турли ташаббуслар ҳам кўп бўлди, — дейди меҳнат фахрийси Абдусаттор ота Қаххоров. — Бу шароитда ҳар жиҳатдан муносиб оқсоқолни танлаш осон кечмаслиги олдиндан кутилган эди. Шу тарафдан олганда, овоз беришнинг ёпиқ-яширин тартибда ташкил этилгани бизга маъқул келди. Ўзимиз учун керакли номзодга овоз бердик.

Якунда маҳалладошларининг энг кўп овозини олган амалдаги раис Жалолиддин Абдураҳимов қайта сайланди.

— Бу вазифада аввал ҳам етти йил ишлаганман, — дейди у. — Ана шу давр мобайнида маҳалла ривожига ҳисса қўшишга ҳаракат қилдим. Ишим кўпчиликка маъқул келган экан, бу гал ҳам мени қўллаб-қувватлашди. Бунга жавобан ҳозиргидан ҳам кўпроқ меҳнат қилишим керак, деб биламан. Маҳалламизнинг муаммолари аён. Олдинда турган уч йил учун тузган дастуримда уларни бартараф этиш, бошқа долзарб масалаларга ечим топиш юзасидан аниқ режаларим кўрсатилган. Албатта, маҳалладошларим ёрдами билан ушбу мақсадларга эришамиз.

Маълумот учун айтиш керакки, бугун Наманган вилоятида жами 775 маҳалла мавжуд бўлиб, шу кунгача уларнинг 640 дан зиёдида сайловлар юқори савияда ўтказилиб, энг муносиблар танлаб олинди.

**Қудратилла НАЖМИДДИНОВ («Халқ сўзи»).**

# Битирувчиларнинг Тошкентдаги форуми

*Жорий йилнинг 18-19 май кунлари Тошкент шаҳрида Москва давлат халқаро муносабатлар институти (МДХМИ) битирувчиларининг V халқаро форуми бўлиб ўтади.*

Тараддуд

Мамлакатимизда илк бор ўтказилаётган мазкур тадбирда Ўзбекистон, Россия, Қозоғистон, Болгария, Швеция, Озарбайжон, Арманистон, Мўғулистон, Вьетнам, Лаос, Камбоджа каби 20 га яқин мамлакатларнинг ҳукумат, парламент аъзолари, сиёсатчилар, дипломатлар, йирик компаниялар раҳбарлари, Москва давлат халқаро муносабатлар институти вакиллари иштирок этиши кутилмоқда.

Форумда Москва давлат халқаро муносабатлар институти битирувчилари ва Ўзбекистон ишбилармон доиралари вакиллари ўртасида учрашув, Тошкент ва Самарқанд шаҳарлари бўйлаб саёҳат, маданий дастурлар ўтказилиши режалаштирилган. Шунингдек, Москва давлат халқаро муносабатлар институтининг Тошкент филиалига бағишланган экспозиция ҳам ташкил этилади.

Форум доирасида қатнашчилар ўртасида Марказий Осиёда кўп томонлама ҳамкорлик ва хавфсизлик масалалари бўйича экспертлараро мулоқот ҳам ўтказилади.

Кеча бўлиб ўтган матбуот анжуманида эса форум дастури ҳақида маълумот берилди. Унда Москва давлат халқаро муносабатлар институти ректори, РФА академиги Анатолий Торкунов ҳам иштирок этиб, форумнинг аҳамияти ҳақида сўз юритди. У Тошкентда очилиши режалаштирилаётган МДХМИ филиали ва унинг битирувчилари мавжуд анъаналарни муносиб давом эттиришига ишонч билдирди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Президенти маслаҳатчиси А. Абдувахитов иштирок этди.

**О. ЛУТФУЛЛАЕВ («Халқ сўзи») тайёрлади.**

# Янгиланишларда халқаро кўрсаткичларнинг аҳамияти катта

*Пойтахтимизда “Ўзбекистон Республикасида олиб борилаётган ислоҳотлар учун халқаро рейтинг ва индексларнинг аҳамияти” мавзуида биринчи халқаро форум бўлиб ўтди.*

Мазкур анжуман мамлакатимизнинг жаҳон ҳамжамиятидаги имиджини янада яхшилаш, рейтинглардаги нуфузини оширишда ҳамкорликни жадаллаштириш, олиб борилаётган ислоҳотларнинг халқаро рейтинг ва индекслардаги аҳамиятини давлат идоралари ҳамда кенг жамоатчиликка етказиш, вазирлик ва идоралар, тижорат банклари, суғурта ташкилотлари, хусусий сектор вакиллари учун ўқув семинарлари уюштириш мақсадида ташкил қилинди.

Унинг очилиш маросимида сўзга чиққан Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари — молия вазири Ж. Қўчқоров, БМТ ва Жаҳон банкининг Ўзбекистондаги доимий вакиллари Ҳ. Фрейзер ҳамда Ҳ. Мори ва бошқалар қайд этганидек, бугунги кунда Ўзбекистон ҳар томонлама жаҳонга юз тутмоқда. Кейинги йилларда мамлакатимизда шиддат билан амалга оширилаётган иқтисодий, ижтимоий, институционал ислоҳотларда халқаро рейтинг ва индекслар муҳим аҳамият касб этади. Бинобарин, айни пайтда Ўзбекистоннинг “Doing Businees” индексида 190 мамлакат ичида 76-ўринни эгаллагани, Иқтисодий ҳамкорлик ва ривожланиш ташкилоти томонидан мамлакатлар хатарларини таснифлаш тизимида 6-гуруҳдан 5-гуруҳга юқорилаши, 2018 йилдан бошлаб нуфузли халқаро рейтинг агентликлари томонидан Ўзбекистоннинг илк суверен кредит рейтинг кўрсаткичлари барқарор баҳолангани диққатга сазовордир.

Ҳозирги кунда республикамизда бу борадаги ишлар изчил давом эттирилмоқда. Яъни беш йилликка мўлжалланган Ҳаракатлар стратегиясида халқаро рейтинг ва индексларда Ўзбекистоннинг ўрнини янада яхшилаш ва улар билан ишлаш вазифалари акс этгани мамлакат тараққиёти учун алоҳида ўрин тутади.

Тадбирда хорижий давлатлар ҳукуматлари, элчихоналар вакиллари, халқаро молия ташкилотлари, рейтинг агентликлари ҳамда мамлакатимиз молия соҳаси мутасаддилари қатнашди.

Форумнинг иккинчи қисмида бизнесни юритиш, Логистика самарадорлиги, иқтисодий эркинлик индексларида Ўзбекистоннинг ўрнини яхшилаш усуллари, бизнесни юритишдаги ислоҳотлар орқали инвестиция муҳитини янада мақбуллаштириш, қонунчилик сифати, миллий статистиканинг очиқ ва шаффофлигини таъминлаш, халқаро имиджни шакллантиришда фуқаролик жамиятининг ўрни каби бир қатор масалалар ўрганилиб, муҳокама этилди.

Форум сўнгида матбуот анжумани ташкил қилинди.

**Дилшод УЛУҒМУРОДОВ («Халқ сўзи»).**

ЎЗБЕКИСТОН — ТАТАРИСТОН:

# САВДО-ИҚТИСОДИЙ АЛОҚАЛАР РИВОЖИ ЮҚОРИ БОСҚИЧГА ЧИҚАДИ

*Тошкентдаги Халқаро савдо марказида Ўзбекистон ва Татаристон ишбилармон доира вакилларининг давра суҳбати бўлиб ўтди.*

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо, Соғлиқни сақлаш вазирликлари, Тошкент вилояти ҳокимлиги, маҳаллий бизнес, йирик компаниялар вакиллари, Татаристон Республикаси Бош вазири ўринбосари, саноат ва савдо вазири Альберт Каримов бошчилигидаги делегация аъзолари иштирок этди.

Ўзбекистон Республикаси инвестициялар ва ташқи савдо вазирининг биринчи ўринбосари Алишер Абдуалиев мамлакатдаги жозибадор бизнес муҳити, хорижий инвесторлар учун яратилган қулайликлар ҳақида гапириб берди.

Вазир ўринбосари маълумотига кўра, фақатгина жорий йилнинг биринчи чорагида Ўзбекистонда 900 дан зиёд хорижий ҳамкорлар иштирокидаги корхоналар очилган.

Татаристон Республикаси Бош вазири ўринбосари, саноат ва савдо вазири Альберт Каримовнинг айтишича, 2018 йилда икки томонлама маҳсулот айирбошлаш ҳажми 145,7 миллион АҚШ долларига етган. Бу кўрсаткич ўтган йиллардагига нисбатан 3 бараварга кўпайган. Ўзбекистон ва Татаристон ўртасида ҳали ишга солинмаган, истиқболли бўлиши кутилаётган имкониятлар кўп. Бу учрашув ана шу имкониятлар амалга ошишида янги ташаббусларни қанотлантиради.

Икки томонлама савдо-иқтисодий алоқаларни мустаҳкамлаш жараёнида нефть-газ саноати, соғлиқни сақлаш, фармацевтика, қишлоқ хўжалиги, автомобилсозлик, туризм, табиий бойликларни қазиб олиш ва қайта ишлаш, ахборот технологиялари сингари ўнлаб соҳаларда ҳамкорлик қилиш кўзда тутилган.

Давра суҳбатида Тошкент вилояти ҳокимининг биринчи ўринбосари Одилхон Рустамов, Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазири ўринбосари Баҳодир Низомов, шунингдек, “Ўзбекнефтгаз”, “Ўзкимёсаноат”, “Ўзавтосаноат”, “UzAutoTrailer”, “Эйдос-Медицина” каби йирик ишлаб чиқариш компаниялари вакиллари дунё бозорида муносиб ўрин эгаллаган Татаристоннинг 10 дан ортиқ йирик компаниялари билан музокаралар олиб боришди.

“B2B” шаклида давом этган учрашув чоғида ўзаро манфаатли келишувларга эришилди.

**Ғайрат ХОННАЗАРОВ, ЎзА мухбири.**

## ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ЁЗУВЧИСИ ТОҲИР МАЛИК

Ўзбек адабиёти ва маданияти оғир жудоликка учради.

Ўзбекистон халқ ёзувчиси, таниқли публицист ва таржимон Тоҳир Малик — Тоҳир Абдумаликович Ҳобилов 2019 йил 16 май куни оғир хасталикдан сўнг 73 ёшида вафот этди.

Тоҳир Малик 1946 йил 27 декабрда Тошкент шаҳрида зиёли оиласида туғилди. Ўрта мактабни тугатганидан сўнг Тошкент давлат университети (ҳозирги Ўзбекистон Миллий университети)да таҳсил олди.

Бўлғуси адиб ўз меҳнат фаолиятини Тошкент қурилиш-монтаж бошқармасида оддий ғишт терувчи сифатида бошлади. Бадиий ижодга, сўз санъатига бўлган кучли интилиши туфайли кейинчалик юртимиздаги бир қатор оммавий ахборот воситаларида, жумладан, “Тонг юлдузи” газетасида, Ўзбекистон радиосида, Чўлпон, Ғафур Ғулом номидаги нашриётларда, “Гулистон”, “Шарқ юлдузи”, “Ёшлик” журналларида турли вазифаларда самарали хизмат қилди.

Катта ҳаёт ва ижод тажрибасига эга бўлган Тоҳир Малик Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасида ҳам бирмунча вақт фаолият кўрсатиб, миллий адабиётимизни ривожлантириш, истеъдодли ёш ёзувчи ва шоирларни қўллаб-қувватлаш бўйича қизғин иш олиб борди.

Мустақилликнинг дастлабки йилларида Давлат мукофотлари қўмитаси масъул котиби сифатида ижодкор зиёлиларнинг меҳнатини моддий ва маънавий жиҳатдан рағбатлантиришда иштирок этди.

Ёрқин истеъдод эгаси ўзидан бой ва бетакрор ижодий мерос қолдирди. Унинг Ватанимиз ва халқимизга, азалий қадриятларимизга меҳр ва садоқат туйғулари маҳорат билан тараннум этилган бадиий асарлари, киносценарийлари, долзарб мавзулардаги публицистик мақолалари эл-юртимиз қалбидан чуқур жой олди.

Тоҳир Малик ўзбек адабиётида бадиий фантастика, саргузашт жанрларининг ривожига катта ҳисса қўшди. “Озод инсон ҳақида қўшиқ”, “Сўнгги ўқ”, “Шайтанат”, “Меҳмон туйғулар”, “Одамийлик мулки” каби кўплаб асарлари миллий адабиётимиз хазинасидан муносиб ўрин эгаллади.

Халқимиз тарихининг энг оғир даврларини бадиий йўл билан тасвирлаш ва жамоатчиликка етказишда ҳам адиб ибрат кўрсатди. Айниқса, унинг ўзбек маърифатпарвар зиёлиларининг мураккаб ҳаёти ва фаолиятига бағишланган тарихий асарлари катта тарбиявий аҳамиятга эгадир.

Тоҳир Малик етук таржимон сифатида жаҳон адабиётининг сара намуналарини она тилимизга маҳорат билан ўгириб, китобхонларимизни улардан баҳраманд қилиш борасида ҳам самарали меҳнат қилди.

Эл суйган адиб жонкуяр ташкилотчи сифатида жамоат ишларида, маданий ва маърифий жараёнларда фаол иштирок этди. Умрининг охирига қадар Ички ишлар вазирлиги Академиясида ўзбек тили, маънавият асосларидан сабоқ бериб, ёшларни Ватанга муҳаббат ва садоқат руҳида тарбиялашда жонбозлик кўрсатди.

Заҳматкаш адибнинг ўзбек адабиёти ва маданиятини ривожлантириш йўлидаги хизматлари давлатимиз томонидан муносиб тақдирланди. У “Ўзбекистон халқ ёзувчиси” фахрий унвони, “Дўстлик”, “Меҳнат шуҳрати” орденлари билан мукофотланган эди.

Атоқли адиб, меҳрибон устоз, камтарин инсон Тоҳир Маликнинг ёрқин хотираси қалбларимизда ҳамиша сақланиб қолади.

**Ш. МИРЗИЁЕВ, Н. ЙЎЛДОШЕВ, Н. ИСМОИЛОВ, А. АРИПОВ, Ж. ОРТИҚХЎЖАЕВ, С. САИДОВ**

# БИЗНЕС УЧУН ЯНГИ ГОРИЗОНТ

Аввал хабар берганимиздек, Навоий вилоятида АҚШ ва Канаданинг хорижий ишбилармон доиралари, халқаро ташкилотлар ҳамда хорижий давлатларнинг мамлакатимиздаги дипломатик корпус вакиллари иштирокида “Навоий ҳудудини ўзингиз учун кашф қилинг — бизнесингиз учун янги горизонтлар жойи” мавзуида Ўзбекистон — Америка — Канада бизнес форуми бўлиб ўтди.




Қайд этиш жоизки, Ўзбекистон ва АҚШ ўртасидаги ҳамкорликнинг янги қирралари бундан бир йил аввал давлатимиз раҳбарининг океанорти мамлакатига расмий ташрифи давомида Дональд Трамп билан ўтказган музокараларидаёқ кўзга ташланган эди. Ўша учрашув натижасида “Ўзбекистон — Америка Қўшма Штатлари: стратегик шериклик янги даврининг бошланиши” деб номланган Қўшма баёнот қабул қилинганди. Бу мамлакатимизнинг барча ҳудуди, хусусан, Навоий вилояти учун ҳам улкан имкониятлар эшигини очди. Мазкур тадбир бунинг амалий тасдиғидир.

Навоий вилояти ҳокими К. Турсунов таъкидлаганидек, Президентимиз ташаббуси билан Навоий вилояти инновацион, юқори технологияларга асосланган, экспортга йўналтирилган ва импорт ўрнини босадиган ишлаб чиқаришлар учун эркин иқтисодий зона этиб белгиланган ҳудуднинг инвестициявий жозибадорлигини янада оширишда муҳим аҳамият касб этди ва бунда бизнес форуми муҳим мулоқот майдони бўлди. АҚШнинг Миссисипи штати губернатори Филипп Брайант, Канаданинг Ўзбекистондаги ишончли вакили Анни Гуле ҳам мазкур тадбир ўзаро алоқаларни янада мустаҳкамлашини айтишди.

Бизнес форуми доирасида иштирокчилар Навоий кон-металлургия комбинатининг Навоий машинасозлик заводи, Навоий халқаро юк терминали, Работи Малик меъморий мажмуаси ҳамда “Навоий” ЭИЗдаги “Green Line profile”, “HPC sistems” МЧЖларида бўлишиб, табиий ва интеллектуал имкониятлар билан яқиндан танишишди.

АҚШнинг Клинтон шаҳри мэри Ф. Фишер Зарафшон шаҳридаги ўлкашунослик музейида Қизилқумнинг олис ўтмиши билан танишди. Шунингдек, шаҳардаги 13-умумий ўрта таълим мактаби, 20-мактабгача таълим муассасасига ташриф буюриб, ёш авлод таълим-тарбиясига қаратилган эътиборни юқори баҳолади, “Ташаббус — 2019” кўрик-танлови катта таассурот қолдирганини мамнуният билан изҳор қилди.

Форум доирасида Клинтон шаҳри билан Зарафшон шаҳри ўртасида биродар шаҳарлар тўғрисидаги келишув имзоланди. Шунингдек, Навоий давлат педагогика институти ҳамда Алкорн университети ўртасида академик ҳамкорликни ўрнатиш бўйича англашув меморандуми, Канаданинг “B2Gold” компанияси билан Навоий вилоятидаги “Айрак — Сангрунтау”, “Аякудук — Ямбискак” ва “Балакарак — Караката” истиқболли ҳудудларида геологик қидирувлар ўтказиш бўйича умумий қиймати 2 млн. доллар бўлган келишув, Навоий вилоятида биоёқилғи ишлаб чиқариш учун қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ўстириш ва қайта ишлаш кластерини ташкил қилиш бўйича Американинг “Advanced Bio-Oil Technologies” компанияси билан умумий қиймати 24 млн. долларлик лойиҳани рўёбга чиқариш каби яна бир қатор келишувларга эришилди.

Бизнес форуми очилишида Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари Э. Ғаниев ва Олий Мажлис Сенати Раисининг биринчи ўринбосари С. Сафоев сўзга чиқди.

## Сўз — анжуман иштирокчиларига



**Уоррен КРОЛ, “SRXTranscontinental” компанияси вице президенти (АҚШ):**

— Асосан, юк ташиш ва мазкур йўналишда маслаҳат фаолияти билан шуғулланамиз. Бизнес форуми доирасида вилоят ҳокими билан тор доирада учрашув ўтказиб, ўз таклифларимизни бердик. Келишувларга кўра, Навоийда юк тарқатиш маркази очмоқчимиз.

Бу марказ фаолияти бўйича Жоржтаун университети билан биргаликда бизнес-режа ишлаб чиқилган. Ўйлашимча, мазкур марказ минтақавий аҳамиятга эга бўлади.



**Ҳади ОУСИЯ, “Ultra Electronics Forensic Technology” компаниясининг Марказий Осиёдаги корхоналари директори (Канада):**

— Компаниямиз электротехника воситалар ишлаб чиқаради. Сўнгги йиллардаги ўзгаришлар, хусусан, юртингизда хусусий мулк дахлсизлиги таъминланган мамлакатнинг инвестициявий жозибадорлигини оширди, деб ҳисоблайман.

Биз бу ерда электротехниканинг барча йўналиши, жумладан, муқобил энергия ишлаб чиқариш ускуналарини тайёрлашни ҳам йўлга қўймоқчимиз.

**Франсис КОУТУРЕ, “Animat.ca” компанияси менежери (Канада):**



— Компаниямиз қорамолчиликни ривожлантиришга ихтисослашган. Хитой, Миср, АҚШ ва Канадада йирик қорамолчилик фермаларимиз бор.

Навоийда ҳам ўз фермамизни очиш ниятида эдик. Келиб ўргандик. Сизларда иқлим жуда қуруқ экан. Шунинг учун қўшимча ўрганишимиз лозим бўлади. Лекин ноумид эмасмиз, Қизилтепа ҳудудидан бир қанча таклифларни олдик.

**Темур ЭШБОЕВ («Халқ сўзи»).**



# ТАРИХ КЎЗГУСИ

*Ҳар бир халқнинг маънавий қиёфаси, маданий савияси унинг тарихи, қадриятлари, кўҳна обидаларида мужассамдир. Шу маънода, аждодларимизнинг маънавий мероси, маданий бойликларимиз, тарихий ёдгорликларимизни ўз бағрида асраб-авайлаб келаётган музейларнинг қадри ва аҳамияти беқиёс. Шу боис улар авлодларни боғловчи маънавий кўприк, тарихимиз кўзгуси, дея эътироф этилади. Айни сабабдан 18 май — Халқаро музейлар куни юртимизда ҳар йили кенг нишонланади.*

*Мамлакатимизда музейлар фаолиятини янада такомиллаштириш, бундай муассасаларни кўпайтириш, уларга ташриф буюрувчиларга кенг қулайлик ва шароитлар яратиш, замонавий технологияларни жорий этиш, халқаро алоқаларни мустаҳкамлаш борасида кенг кўламли ишлар олиб борилмоқда. Бу борада соҳа мутасаддиларининг фикр-мулоҳазалари билан қизикдик.*

## 18 май — Халқаро музейлар куни

**Шаҳло АБДУЛЛАЕВА, Маданият вазирлиги Музейлар ва кутубхоналарни ривожлантириш бошқармаси бошлиғи:**

— Вазирлигимиз тизимида 96 та музей ва уларнинг филиаллари фаолият юритмоқда. Мазкур муассасалар фондларида 2 миллион 400 мингга яқин ашёлар ва коллекциялар мавжуд. Музейлар фаолияти янада ривожлантирилиб, замонавий технологиялар билан жиҳозланяпти. Ўтган 2 йил давомида Мўйноқ экология музейи, Шаҳрисабз шаҳрида Мақом музейи, Эркин Воҳидов уй-музейи, Мутал Бурхонов уй-музейи, Ҳамид Олимжон ва Зулфия музейи, Шароф Рашидов ёдгорлик музейи, Қўқон шаҳридаги Буюк алломалар музейи, Шерғозихон мадрасасидаги “Мадраса тарихи” музейи ташкил этилиб, томошабинларга ўз эшикларини очди. Шунингдек, Сурхондарё вилояти тарихи ва маданияти давлат музейи, Қўқон шаҳридаги Буюк алломалар музейи, Самарқанд шаҳридаги Садриддин Айний ёдгорлик уй-музейи, Чирчиқ шаҳар тарихи музейида мукаммал таъмирлаш ишлари олиб борилмоқда.

Музейлар инфратузилмасини халқаро стандартларга мувофиқ такомиллаштириш орқали кўрсатиладиган хизматлар интерактивлигини ошириш мақсадида “smart” технологиялар жорий этилмоқда. Хусусан, 2018 йилда режа асосида республикадаги 20 та музейнинг “Виртуал музей” маълумотлар базаси яратилди.






Динара ЧИРКОВА олган сурат.

**Тоҳиржон ҚОЗОҚОВ, “Ахсикент” археология мероси объектини муҳофаза қилиш ва тадқиқ этиш дирекцияси директори ўринбосари:**

— Президентимиз ташаббуси билан Ахсикентда очиқ осмон остидаги музей ташкил этилгач, ушбу масканга кўплаб халқаро ташкилотлар вакиллари, хорижий давлатларнинг элчилари, халқаро илмий-тадқиқот муассасаларининг малакали олимлари ташриф буюрдилар. Улар музейимизга экспонат сифатида қўйилган қадимги ер ости сув йўлининг қувурлари, металл ҳунармандчилиги ашёлари, сопол буюмлар, кўзалар, шамчироқлар, хумлар, тасвирий санъат намуналари, қурилиш ашёларини катта қизиқиш ва ҳайрат билан томоша қилдилар.

Ички туризмни ривожлантириш омиллари ҳам талайгина. Мажмуа ҳудудида XII асрга оид Лангарбиби (Момо хотун) зиёратгоҳи мавжуд. Ушбу зиёратгоҳ ҳақида Ўрта аср ёзма манбаларида ҳам маълумотлар бериб ўтилган.

**Хуршид ФАЙЗИЕВ, Темурийлар тарихи Давлат музейи директори:**

— Халқаро ҳамкорлигимиз дунё жамоатчилигини темурийлар даври тарихи билан таништириш, ўша даврга оид манбаларни тўплаш, уларни юртимизга олиб келиш, Амир Темур ва темурийларнинг жаҳон илм-фани ва маданиятига қўшган улкан ҳиссасини кўрсатиб берадиган асл ҳужжатлар, қўлёзмалар, моддий-маънавий ёдгорлик ва топилмалар асосида ўзбек халқи тарихини ёритувчи экспозиция ҳамда кўчма кўргазмалар ташкил этишга қаратилгандир. Жумладан, Франциядаги Лувр музейи ёрдамида масканимизга Амир Темур сиймоси акс этган суратларнинг ноёб нусхалари олиб келинди. Шунингдек, сўнгги йилларда музей экспонатлари Хитой Халқ Республикасининг Ўзбекистондаги элчихонасидан XIV-XV аср хитой ҳужжатлари нусхалари, Эрон Ислом Республикаси элчихонасидан Амир Темур ва темурийларнинг қўшни давлат ҳукмдорлари билан ёзишмалари, Ҳиндистон элчихонасидан “Бобур девони”нинг қўлёзма саҳифаларидан бир нечта нусхалар, шунингдек, Россия, Туркия, Қозоғистон, Туркманистон, Покистон, Малайзия, Грузия, Мўғулистон ва бошқа давлатларнинг совғалари билан янада бойиди.

Эндиликда халқаро туристик компаниялар билан алоқаларни кучайтириб, турли кўргазмаларда иштирок этишни режалаштирганмиз.

**Федерик БРЕССАНД, Франциядаги Темурийлар тарихи ва санъатини ўрганиш ассоциацияси раҳбари:**

— “Темурийлар Ренессанси”ни ўрганишда Ўзбекистондаги музейлар ва илмий муассасалар билан ўзаро ҳамкорлигимиз муҳим аҳамият касб этмоқда. Жумладан, Темурийлар тарихи Давлат музейида Амир Темур ва темурийлар даврига оид ноёб экспонатлар бисёр. Таъкидлаш жоизки, улар дунё халқларини доимо қизиқтириб келган. Бу асориатиқалар ҳақида кўплаб илмий ишлар ва тадқиқотлар қилинган. Бу борада француз олимлари, шубҳасиз, жаҳонда етакчи ўринда экани аҳамиятга молик. Жумладан, “Зафарнома”, “Матлаъ ус-саъдайн ва мажмаъ ул-баҳрайн”, “Бобурнома” ва темурийлар даврига оид бошқа асарларнинг француз тилида нашр этилиши соҳибқирон ва унинг авлодларига бўлган эътибор ифодасидир.

**«Халқ сўзи».**

## Бухоро чеварлари учун яна бир имконият

*Бухоро вилоятининг Қоракўл туманида масъулияти чекланган жамият шаклидаги “Қоракўл чеварлари” тикувчилик корхонаси фаолият бошлади.*

**Бандлик**

У “Бухоро минтақавий пахта терминали ишлаб чиқариш транспорт компанияси” МЧЖнинг 2,5 миллиард сўмлик маблағи ҳисобига барпо этилди.

Корхона туманнинг Хўжалар маҳалласи ҳудудида жойлашган бўлиб, энг замонавий тикув машиналари ва бошқа зарур ускуналар билан жиҳозланган. Айни пайтда 120 нафар хотин-қизнинг бандлиги таъминланди.

Мазкур хайрли ишларни амалга оширишда қоракўллик тадбиркор Гулчеҳра Шукурованинг ҳиссаси катта.

— Фарзанд парвариши билан банд бўлиб, уйда ўтирардим, — дейди “Қоракўл чеварлари” тикувчиси Маҳбуба Муродова. — Маҳалламиз ҳудудида тикувчилик корхонаси ташкил этилгани мен каби кўплаб аёллар учун қулай имконият бўлди.

Тикувчилик корхонасида мактабгача таълим муассасалари буюртмасига асосан кўрпа-тўшак жилдлари, чойшаблар ҳамда корхона ва ташкилотлар учун иш коржомалари тикилмоқда.

Шу куни Пешку туманида ҳам “Бухоро минтақавий пахта терминали ишлаб чиқариш транспорт компанияси” МЧЖ томонидан яна бир тикувчилик корхонаси — “Пешку чеварлари” ишга туширилди. Бу ерда 120 нафар хотин-қиз меҳнат қилади.

Қоракўл ва Пешку туманларидаги тикувчилик корхоналарининг ишга туширилиши муносабати билан ўтказилган маросимларда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари О. Раматов, Бухоро вилояти ҳокими Ў. Барноев ва республика Бош прокурори О. Муродов иштирок этди.

**Истам ИБРОҲИМОВ («Халқ сўзи»).**

## ПОЙТАХТ *янгиликлари*

### «USENET — 2019» иштирокчилари нега баҳслашди?

*Пойтахтимизда Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги кўмагида анъанавий “USENET — 2019” интернет анжумани бўлиб ўтди.*

Унда 20 нафардан зиёдроқ спикерлар интернетда бизнес тарғиботи, мессенжерлар, видеореклама, СММ, интернет-ОАВ, стартаплар, инновацион маҳсулотлар ва ишланмалар йўналишида баҳс-мунозаралар ўтказишди. Шунингдек, бу борада эришилган ютуқларини намойиш этишди.

Ушбу интернет конференцияси қамрови бу йил янада кенгайиб, маркетинг, реклама ва IT соҳаси экспертларини ҳам бирлаштирди.

### Қўшма корхонага чет эл инвестицияси киритилади

*“Тошкент қишлоқ хўжалиги техникаси заводи” акциядорлик жамияти ва Хитойнинг “Shijiazhuang Zhongxing Machinery Manufacture Co. Ltd” етакчи диск ишлаб чиқарувчи компанияси ўртасида янги қўшма корхона ташкил қилиш юзасидан келишувга эришилди.*

“Ўзагротехсаноатхолдинг” акциядорлик жамиятида ташкил этилган учрашувда томонлар мазкур лойиҳага оид масалаларни муҳокама қилди.

Янги қўшма корхонанинг низом жамғармаси 3,4 миллион АҚШ долларини ташкил этади. Шундан 1,5 миллион АҚШ доллари тўғридан-тўғри чет эл инвестицияси бўлиши белгиланган.

Корхонада йилига 100 минг дона ғилдирак диски ишлаб чиқарилади. Бу ерда 100 га яқин янги иш ўринлари яратилади.

Ушбу корхона 2020 йилнинг биринчи чораги якунида тўлиқ ишга туширилиши режалаштирилган.

### Иссиққўлга мавсумий йўналишлар очилмоқда

*Жорий йил 6 июндан бошлаб мавсумий Тошкент — Бишкек — Балиқчи (Иссиққўл) йўналишида халқаро йўловчи поездлар қатнови йўлга қўйилади.*

Халқаро қатнов Ўзбекистоннинг “Салар”, “Чуқурсой”, “Келес”, Қозоғистоннинг “Сариағач”, “Арис-1”, “Чимкент”, “Манкент”, “Тюлкубас”, “Абаил”, “Бурноэ”, “Жамбул”, “Луговая” ҳамда Қирғизистоннинг “Мерке”, “Чалвадор”, “Қаинди”, “Қораболта”, “Беловодск”, “Тўқмоқ” станциялари, “Бишкек-2” ва “Балиқчи” вокзали орқали амалга оширилади.

Тошкент — Бишкек — Балиқчи (Иссиққўл) йўналишидаги халқаро йўловчи поездида йўловчилар учун барча шарт-шароит яратилган.

### «Ҳаёт ранглари»

*Тошкент Фотосуратлар уйида “Callibri” рассомчилик мактаби ўқувчиларининг “Ҳаёт ранглари” номли бадиий кўргазмаси очилди.*

Ўзбекистон Ёзувчилари уюшмаси ва Бадиий академия ҳамкорлигида ташкил қилинган кўргазмада 80 дан ортиқ ижодий ишлар намойиш этилмоқда.

Бир йил давомида ранг-тасвирда ўзини намоён қилиб келаётган ёш истеъдод эгалари диплом ва эсдалик совғалар билан тақдирланди.

**Дилмурод СОДИҚОВ («Халқ сўзи») тайёрлади.**

**Ҳамкорлик**

# ЙИЛЛИК КЎРСАТКИЧ — 1 200 000 ТОННА

*Жиззах вилоятининг Зафаробод туманида Хитой Халқ Республикасининг “Хуасин цемент” компанияси томонидан бунёд этилаётган цемент заводи пойдеворини қуйишга бағишланган тантанали маросим бўлиб ўтди.*

Масъулияти чекланган жамият шаклидаги “Хуасин цемент Жиззах” хорижий корхонаси томонидан барпо этилаётган мазкур заводнинг лойиҳа қиймати 300 миллион долларни ташкил қилади. Унинг биринчи босқичи йил охирида ишга туширилади. Дастлаб йилига 1 миллион 200 минг тонна “М-500” маркали цемент тайёрлаш мўлжалланган. Лойиҳа тўлиқ амалга оширилгач, 300 дан ортиқ иш ўринлари яратилади.

Соҳа мутахассисларининг айтишича, корхонадан бир чақиримча узоқда жойлашган Балиқли тоғ ва Кўтарма тоғ бағридан топилган оҳактош захиралари цемент корхоналари учун 150 йил мобайнида хом ашё манбаи бўлиб хизмат қилади.

Янги цемент заводига тамал тоши қўйишга бағишланган маросимда вилоят ҳокими Э. Солиев иштирок этди.

**Толибжон ЭРГАШЕВ («Халқ сўзи»).**

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси жамоаси Администрация раҳбари Зайнилобиддин Низомиддиновга акаси **Фазлиддин НИЗОМИДДИНОВнинг** вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

# Олмалиқ КМК:
# ҲАР ДОИМ ВА ҲАР ЖАБҲАДА НАМУНА





Ҳасан ПАЙДОЕВ олган суратлар.

1

Бу каби саъй-ҳаракатлар самараси ўлароқ, ишлаб чиқариш ҳажми тобора ортмоқда. Жорий йилнинг тўрт ойи давомида товар-маҳсулот тайёрлаш 2018 йилнинг мос давридагига нисбатан 128,7 фоиз ўсди. 44 160 тонна катод миси ва 29 810 тонна рух металли ишлаб чиқарилди, ўсиш суръати тегишли равишда 120,8 ҳамда 120,2 фоизни ташкил этди.

Қимматбаҳо металлар ишлаб чиқариш бўйича ҳам кўрсаткичлар бундан кам эмас. Аффинажланган олтин ишлаб чиқариш суръати 106,1 фоиз, аффинажланган кумуш ишлаб чиқариш 130,6 фоиз ошди. Қувонарлиси, нафақат маҳсулот ҳажми ортди, балки экспорт турлари ҳам кенгайди: ўтган йилдагига нисбатан бу кўрсаткич доллар қийматида 152,8 фоизга кўпайди.

2018 йилда Сурхондарё вилоятининг Шеробод туманида янги цемент заводи фойдаланишга топширилгач, комбинатнинг ушбу қурилиш материали ишлаб чиқариш қуввати йилига 2,5 миллион тоннага етказилди. Қолаверса, экспорт ҳажми ва географияси кенгайди. Гап шундаки, янги корхонада ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг бир қисми Афғонистонга экспорт қилиняпти.

Ҳаётга татбиқ қилинадиган лойиҳалар мақсадли параметрлари қайта кўриб чиқилиб, такомиллаштирилиши туфайли биргина қайта ишланадиган маъданлар ҳажми сезиларли даражада ортиши кутилмоқда. Масалан, “Ёшлик — I” конини ўзлаштириш ва уни “Қалмоққир” кони билан бирлаштириш ҳисобига қайта ишлаш ҳажми 100 миллион тоннага етказилади. Бу эса ҳозирги кўрсаткичдан 3 баравар ортиқ, деганидир.

Шу билан бирга, инвестиция лойиҳалари доирасида кўзда тутилган 3-мис бойитиш фабрикаси, 2-ВП янги эритиш агрегати қурилиши ҳамда бошқа объектларнинг реконструкция қилиниши ҳисобига 250 минг тонна катодли мис ишлаб чиқариш имконияти юзага келади. Пировардида комбинат ишлаб чиқариш қувватлари 2 баравар ортади.

Бугунги кунда комбинатда нафақат сон, балки сифат ўзгаришлари кузатилмоқда. Корхонанинг минерал ресурсларини баҳолаш, ҳар бир коннинг JORS халқаро кодексига мувофиқ ўзлаштириш юзасидан тегишли хулосалар берадиган тўла ҳажмли маълумотлар базасини яратиш учун “SRK Consulting” (Буюк Британия) компанияси таклиф этилди. Бу эса комбинатнинг инвестициявий жозибадорлигини ошириб, салоҳиятли инвесторлар, халқаро молия институтлари билан ҳамкорликни кенгайтиришда қўл келмоқда.

Амалиётга жаҳоннинг илғор технологик ечимларини татбиқ қилиш мақсадида иккита халқаро илмий-амалий анжуман ўтказилди. Биринчиси, мис олишнинг янада самарали технологиясини жорий этиш масалаларига бағишланган бўлса, кейингисида корхонамизнинг техноген конларини қайта ишлашнинг долзарб масалалари муҳокама қилинди. Мазкур халқаро форумлар иккинчи “СВП” қуриш, узоқ йиллар давомида тўпланиб қолган техноген чиқиндиларни самарали қайта ишлашга туртки бўлди.

Бугун бутун дунёда нодир металлар ва қотишмалар ишлаб чиқаришга жуда катта эътибор қаратилмоқда. Комбинатда шундай маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш мақсадида унинг таркибидаги Нодир металлар ва қаттиқ қотишмалар ишлаб чиқариш бўйича илмий-ишлаб чиқариш бирлашмасида бундай металларнинг янги турларини ўзлаштириш дастури тайёрланди.

Жорий йилнинг апрель ойида Корея Республикаси Президенти Мун Чжэ Иннинг мамлакатимизга давлат ташрифи давомида илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси негизида республикамизда илк бор Ўзбекистон — Жанубий Корея ҳамкорлигида нодир металлар ва қаттиқ қотишмалар илмий-технологик маркази очилди. Жанубий Корея саноат технологиялари институти таркибидаги Нодир металлар институти билан узвий ҳамкорлик нодир металлар ва инновацион технологиялар бўйича изланишлар инфратузилмасини кенгайтириш ҳамда ривожлантиришга имкон беради. Бу эса, ўз навбатида, Жанубий Корея ва Ўзбекистонда нодир металлар саноати тараққиётига муҳим омил бўлади.

Ўзаро манфаатли ҳамкорлик — янги қотишмалар ва материалларни яратиш, улар асосида рақобатдош маҳсулотларни ишлаб чиқаришга йўналтирилган.

Илмий изланиш ва ишлаб чиқариш уйғунлиги муваффақиятлар омили эканлиги комбинат фаолиятида бир неча бор ўз тасдиғини топди. Бунга мис эритиш заводининг электролит эритмаларидан олтинга кўра камроқ учрайдиган нодир қимматбаҳо металл — палладий олиш технологиясини мисол тариқасида келтириш мумкин. Истиқболда платина олиш технологиясини ишлаб чиқиш турибди.

Амалга оширилаётган ўзгаришлар ҳақида яна кўп сўз айтиш мумкин. Чунки улар, ҳеч муболағасиз, Олмалиқ кон-металлургия комбинати таркибига кирадиган ҳар бир таркибий бўлинмага тааллуқлидир.

Сир эмаски, ишлаб чиқариш ютуқлари ижтимоий масалаларни ҳал этишда мустаҳкам пойдевордир. Комбинат томонидан Олмалиқ шаҳрида 10 та кўп қаватли уй ва ёшлар боғидан иборат кичик шаҳарча қурилиши тугатилди. Қисқа муддатларда “Металлург” маданият саройи мукаммал таъмирланди. Ушбу маскан нафақат олмалиқликлар, балки Тошкент вилояти аҳолиси учун ҳам ижодиёт ва маданият марказига айланди. Олмалиқ ва Чирчиқ шаҳарларидаги профилакторийларни реконструкция қилиш ишлари давом этмоқда. Жиззах вилоятининг Зомин туманида пансионат қуриш ишлари якунланмоқда. Режада эса ихтисослаштирилган ўрта таълим мактабини қуриш, мактабгача таълим муассасаларини мукаммал таъмирлаш ва бошқа бир қатор вазифалар бор.

Комбинатда кадрлар тайёрлаш ва ёш мутахассисларнинг малакасини оширишга катта эътибор қаратилмоқда. Бу эса ушбу йўналишга йўналтирилаётган маблағлар миқдори ортиб бораётганлигидан, шу жумладан, яқин ва узоқ хорижий мамлакатларнинг етакчи турдош корхоналари тажрибасини ўрганиш, Ёшлар иттифоқи ва унинг ташаббуси билан ташкил этилган ёш мутахассислар бирлашмалари фаолиятининг фаоллашаётганлигидан далолат беради. Келгусида 3-МБФ ва лойиҳалаштирилаётган, аммо яқин йилларда фойдаланишга топшириш кўзда тутилган бошқа объектларда ишлаши кутилаётган ишчиларни ўқитиш бошланди.

Мамлакатимиз раҳбарининг қўллаб-қувватлаши билан ўтган йили кадрлар тайёрлаш ва илмий изланиш ишларини олиб бориш мақсадида Олмалиқ шаҳрида Москва пўлат ва қотишмалар институтининг Миллий технологик тадқиқотлар университети — МИСиС филиалининг очилиши аҳамиятли бўлди.

Президентимиз ташаббуси билан кенг қамровлиислоҳотлар олиб бориляптики, “Олмалиқ КМК” АЖни ҳам уларнинг асосий бўғинларидан бири, деб таъкидлаш ўринлидир. Бизнинг фидокорона меҳнатимиз, бу — мамлакатимизнинг иқтисодий қудратини юксалтириш, халқимиз турмуш фаровонлигини оширишга қаратилган.

Фурсатдан фойдаланиб, “Олмалиқ КМК” АЖ каби ўз касб байрамини нишонлаётган барча турдош корхоналарнинг меҳнат жамоаларини табриклайман! Жонажон Ватанимиз равнақи йўлида янгидан-янги ютуқлар, сиҳат-саломатлик, бахт-саодат, фаровонлик ва сермаҳсул меҳнатдан қониқиш ҳамда шукроналик ҳис-туйғусини тилайман!

**Абдулла ХУРСАНОВ,**
**«Олмалиқ кон-металлургия комбинати» АЖ бошқаруви раиси.**

РЕКЛАМА ЎРНИДА







Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 556. 59 385 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни юклаб олиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.

ТЕЛЕФОНЛАР:
*Девонхона 71-233-52-55;*
*Котибият 71-233-10-28; Эълонлар 71-232-11-15.*

ISSN 2010-8788

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор А. Исмаилов томонидан саҳифаланди.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

МАНЗИЛИМИЗ:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Навбатчи муҳаррир — З. Ашурова.
Навбатчи — М. Аҳмаджонов.
Мусаҳҳиҳ — С. Исломов.

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41. ЎзА якуни — 23.10 Топширилди — 01.40 1 2 3 4 5 6